

Хелстонга ўзиюлар аравачада ўтирган қария касалга, нимадандир каттик кўркан ва ўлишга тайёрга ўхшаб кўринди. Унга бундай манзара таниш эди. Оўз касбининг усталари ичида Хелстон танхо эди. «Фаолияти» давомида у ўн саккиз эркак ва олти нафар аёлни ўлдирган, ўлим нима эканлигини биларди. Уй совук ва жимжит эди. Жимжитликни каминдаги оловнинг овози ва ташқарида эсаётган ноябр шамолининг увиллаши бузарди холос.

- Сиз зарба беришингизни истайман. - Қариянинг овози эски коғознинг шитирлашини эслатарди. - Билишимча, сиз айнан шу нарса билан шугулланасиз.

- Сизга ким айтди? - кизикди Хелстон. Унинг ёши ўттиз иккида, барваста коматли эди. Аммо унинг ҳаракатлари енгил, худди инсон киёфасидаги ақулага ўхшарди.

- Менга Сол Лоджиа исмли киши айтди. Сиз уни танир экансиз.

Хелстон бош иргади. Агар Сол тавсия қилган бўлса, демак, ҳаммаси жойида.

- Кимга зарба беришим керак?

Дроган аравачасидаги қандайдир тугмани босди ва аравача худди шиша ичига камалиб қолган пашша сингари овоз чиқариб олдинга силжиди.

- Қурбонингиз орқангизда турибди, - деди Дроган.

Хелстон кескин ҳаракат қилди. Ҳаёти тез ҳаракат қилишга боғлиқлигини билгани учун унинг мияси ҳам, гавдаси ҳам доим тайёр турарди. У дивандан ирғиб турди, бир тиззаси билан чўккалаб ўтирди ва шу билан бирга плаши чўнтагидан 45-калибрли тўппончасини чиқаришга ҳам улгурди. Сония ичида у тўппончасини... мушукка ўқталди.

Хелстон ва мушук лаҳза давомида бир-бирига қараб туришди. Хелстон учун бу қутилмаган хол эди. Мушук унга танишдек кўринди.

Унинг тумшуги худди иккига бўлингандек: ярми оқ, ярми қора эди. Ярим қоронги хонада унинг кўзлари катта-катта, камин шуъласи ақс этган қорачиклари эса чўгдек кўринарди. Хелстоннинг миясида галати бир ўй қакнаб ўтди: биз бир-биримизни биламиз. У тўппончасини кўйнига солди ва ўрнидан турди.

- Сизни отиб ташлашим мумкин эди, - деди у Дроганга. - Мен ҳазилни ёқтирмайман.

- Мен ҳазиллашаётганим йўқ, - жавоб қилди қария. - ўтиринг. Мана буни олинг. - У тиззасини ёпиб турган аёл остидан қалин хатжилд олди ва Хелстонга узатди.

Хелстон ўтирди. Мушук унинг оёғига суйқалди. У бир оз Хелстонга қараб турди, сўнг гужанак бўлиб олди.

Хелстон савол назари билан Дроганга қаради.

- У ўзини дўстона тутди, - деди қария. - Бошланишига. Бу мушук уйимда уч кишини ўлдирди. Битта мен қолдим. Мен қари, касалман... Аммо ажалимдан беш кун бурун ўлишни истамайман.

- Ишонгим қелмаяпти, - мингирлади Хелстон. - Сиз мени мана шу мушукни ўлдириш учун ёлладингизми?

- Марҳамат, хатжилдни очинг.

Хелстон уни очди. Хатжилд юз ва эллик долларлик пулларга тўла эди. У уч минггача санаб, санокни тўхтатди.

- Бу ерда қанча бор?

- Олти минг доллар. Қолган олти мингини эса мушук... йўқ қилинганлигини исботлаганингиздан сўнг оласиз. Жаноб Лоджиа сиз ишингиз учун шунча пул олишингизни айтганди.

Хелстон жимгина бош иргаб тиззасига чикиб мудраётган мушукни силади. Хелстон мушукларни ёктирарди. Унга ёкадиган ягона жонивор деса ҳам бўлади. Улар ёлгиз юришади. Худди Хелстон каби.

- Сизга ҳеч нарсани тушунтирмаслигим ҳам мумкин эди, - деди Дроган. - Эҳтиёткорлик - куролланиш демакдир, бу ишга менсимай карашингизни истамайман. Бундан ташкари, ўзимни оклаш учун сабаблар ҳам бор. Шунчаки, сизга тентакдай кўринишни хохламайман. Хелстон яна бош силкиди. У ичида бу ишни осонлик билан амалга оширишига ишонч ҳосил қилиб бўлганди, ортикча изохга хожат йўқ эди. Аммо Дроган гапирмокчи экан, майли, эшитади.

- Кимлигимни билсангиз керак? Пулни каердан топишимни?

- Дроган дори ишлаб чиқариш корхоналари, - деди Хелстон.

- Ҳа. Американинг энг йирик дори ишлаб чиқарувчи компанияларидан бири. Бизнинг молиявий муваффақиятимиз асоси эса мана бу. - У халати чўнтагидан шишача чиқарди ва Хелстонга узатди. - Три-дорнал-фенобарбин, «Ж» таркиби, - деди Дроган. - Тузалишига умид қолмаган беморлар учун мўлжалланган. У оғрик қолдирувчи дори. Умидсиз беморларга яхши таъсир кўрсатади.

- Сиз ҳам шундан ичасизми? - сўради Хелстон.

Дроган унинг саволини жавобсиз қолдирди.

- Дори бутун дунё бўйича кенг тарқалган. У эллигинчи йилларда бизнинг Нью Жерсидаги тажрибахонамизда яратилган. Биз дорини мушукларда синаб кўрганмиз, чунки уларнинг асаб тизими мураккаб тузилган.

- Нечта мушукни шу тарзда нариги дунёга жўнатгансиз?

Дроган қунишди.

- Бундай савол беришингиз нотўғри.

Хелстон елкасини қисди.

- Дори ишлаб чиқарилган ва федерал фарматсевтика ассотсиатсияси томонидан тасдиқланганига қадар ўтган тўрт йил давомида беш мингта мушук... э-е, йўқ қилинган. Хелстон хуштак қалиб юборди. У мушукни аста силарди.

- Энди эса, бу мушук сизни ўлдиргани келган, шундай деб ўйлаяпсизми?

- Мен ўзимни айбдор ҳисобламайман, - деди Дроган, унинг овози қалтираб қикди. - Беш мингта мушук юз минглаб инсонлар ҳаётини саклаб қолиш учун қурбон қилинган.

- Қелинг, бас қилайлик, - деди Хелстон. У ўзини оклашларга тоқат қилолмасди.

- Мушук уйимизда етти ой илгари пайдо бўлди, - давом этди Дроган. - Шахсан менга у ҳеч ҳам ёқмасди. Инфектсия ташувчи мавжудот... Дуч келган жойда юраверади... Ёки ахлат титади... Опам уни бокмокчи бўлди. Хаммаси ўшандан бошланди. Опамга бу қимматга тушди. - У мушукка нафрат билан қаради.

- Сиз мушук уч кишини ўлдирганини айтгандингиз.

Дроган қалтирок овоз билан ҳикоясини бошлади. Мушук Хелстоннинг тиззасида ухлар, қотилнинг қучли бармоқлари уни силарди. Баъзи-баъзида қамин ичида ёнаётган ўтин чирсиллаб овоз чиқарар, шунда мушукнинг мускуллари худди пўлат пружинадек таранг тортарди. Ташкарида совук шамолнинг увиллаши эшитиларди. Бу шамол киш совугини етаклаб қелаётганди. Қариянинг овози эса борган сари гижирлаб чиқарди.

Етти ой илгари улар бу ерда тўрт киши эдилар: Дроган, етмиш тўрт ёшли опаси Аманда, дугонаси Керолайн Бродмур ва уйда йигирма йилдан бери хизмат қиладиган Ричард Гейж. Ёши олтишдан ошган Гейж «Линколн» машинасини ҳайдар, овқат тайёрлар ва кечки пайт ичимлик қелтирарди. Қундузи хизматкор аёл қелиб-кетарди. Шу тарзда улар

тўртталаси ўзига хос бой кариялар жамоаси сифатида икки йилга якин яшаб келишди. Уларнинг ягона машгулоти кутиш эди - ким кимдан узокрок яшайди. Кейин эса мушук пайдо бўлди.

- Биринчи бўлиб уни Гейж кўриб колди, - сўзида давом этди Дроган. - Дастлаб у мушукни хайдашга уринди, уни тош, таёк билан уриб хайдади. Аммо мушук кетмади. Уни овкат иси ўзига тортарди. Оўзи хам териси суягига ёпишиб кетган мушук эди. Унака мушукларни машина йўлига очидан ўлсин деб ташлаб кетишади. Жониворни очидан ўлишга мажбур килиш - кандай дахшат, шафкатсизлик.

- Нима, ундан кўра уларнинг асаб тизимини синаб кўрган маъкулрокми? - сўради Хелстон.

Дроган унинг саволини эшитмаганга олди ва хикоясини давом эттирди. Унинг мушукларни кўргани кўзи йўк эди. Мушук кетмаслиги маълум бўлгач, у Гейжга мушукни захарлашни буюрди - мушуклар овкатиغا три-дормал-фенобарбин аралаштириб берди. Бу овкатга мушук караб хам кўймади.

- Бу вақт ичида Аманда Дроган мушукни кўриб колди ва уни бокаман деб туриб олди. Дроганнинг ўзи бунга каршилиқ килди, аммо опаси устун келди. Опаси доим бунга эришарди.

- Ха, Аманда айтганини килди, - деди Дроган. - Мушукни уйга олиб кирди. У худди хозир сизга суйкалаётгандек Амандага суйкаларди. Лекин менинг ёнимга бирор марта якинлашмади. Ха, якинлашмади... хозирча. Опам унга идишга сут куйиб берарди. «Бечора оч колибди», - опам йиглаб юборай деганди унинг сут ичишини кўриб. У ва Керолайн мушукнинг атрофида парвона эдилар. Улар мушукларни ёмон кўришимни билганлари учун менинг жигимга тегишарди. - У Хелстонга кайгули назар ташлади. - Аммо бу уларга кимматга тушди.

Май ойининг ўрталарида Гейж одатдагидек уйдаги чирокларни ёкиш учун соат олтида ўрнидан турди. Унинг кичкириги Дроганни хам, Керолайинни хам уйготиб юборди. Аманда Дроган зина олдида ликоп синиклари ва «Мушукчалар» кутиси - мушуклар учун овкат - устида ётарди. Унинг корачиклари шифтга тикилганича котиб колганди. Унинг огзи ва бурнидан кон окиб ётарди. Аманданинг умурткаси, бир оёги синган, бўйни эса мажакланиб кетганди.

- Мушук унинг хонасида ухларди, - деди Дроган. - Менимча, у Амандани миёвлаб уйготган, Аманда ликоп олиб пастга йўл олган - унга мушук «Мушукчалар» овкатини курук емайдиганга ўхшарди. Шунинг учун сутга аралаштириб берарди. У ликопга сут куйиш учун пастга тушмокчи бўлган. Аманда зина четига етиб келганида мушук унинг оёгига ташланган. Аманда қариб колган, оёқлари камқувват эди. Бунинг устига уйкусираётган бўлган. Бир сўз билан айтганда, мушук уни чалиб юборган...

«Ха, - ўйлади Хелстон, - шундай бўлган бўлиши мумкин...» У кампирнинг зинадан думалаб тушаётганини, кичкиришга хам улгурмаганини тасаввур килди. «Мушукчалар» атрофга сочилади, ликоп синади, кампир эса полга гурсиллаб тушади. Унинг суяклари синади. Мушук эса атрофга сочилиб ётган овкатни ейиш учун пастга тушади...

- Терговчи нима деди? - сўради Хелстон.

- Бахтсиз ходиса. Лекин мен билардим.

- Лекин нима учун мушукни йўкотмадингиз? Аманданинг ўлимидан сўнг?

Чунки у агар мушукни йўкотса, Керолайн Бродмур уйдан кетишини айтганди. У касал эди, вақт-вақти билан у турли бемаъни хаёлларга ўралашиб коларди. Бир куни у Дроганга Аманданинг рухи мушукка ўтганини айтганди.

Хелстон бировларнинг фикрини ўқишга уста эди, шунинг учун ҳам у Дроган ва Керолайн Бродмурлар бир пайтлар ўйнаш бўлишганини, бир мушук учун кария ундан ажралишни истамаганини дархол англади.

- У ростдан ҳам кетиб қолиши мумкин эди. Бу эса ўз жонига суикасд қилиш билан тенг, - деди Дроган. - Ахир унинг ҳеч кими йўқ эди. У бу ерда иккинчи каватда яшарди. У етмишга кирганди, жаноб Хелстон. Мен унинг шу ерда қолишини истадим ва мушук ҳам қолди...

Хелстон бош иргар ва соатига қараб қўйди.

- У июн охирида ўлди, - деди Дроган, - ўлим уйку пайтида юз берган. Шифокор бунга хотиржамлик билан ёндошди... Шунчаки келиб ўлим хақидаги далолатномани қайд этиб кетди, бор-йўғи шу. Лекин унинг хонасида мушук бўлган! Бу ҳақда менга Гейж айтди.

- Лекин кампир барибир касалликдан ўлиши керак эди-ку, - деди Хелстон.

- Албатта, - деди Дроган юзини буриштириб. - Шифокор ҳам айнан шундай деди. Лекин мен билман. Хаммаси эсимда. Онам айтиб берганди. Мушуклар кариялар ва чакалоқларни айнан улар ухлашаётганда ўлдиришни хуш қўришади. Уларни бўғиб ўлдиришади.

- Бу афсона-ку, шундай эмасми?

- Бошқа афсоналар сингари ҳақиқатга асосланган афсона, - эътироз билдирди Дроган. - Мушуклар тирноқлари билан юмшоқ нарсаларни юмдалашни ёқтиришади. Ёстик, калин гилам ёки... аёл. Чакалоқларнинг ёки карияларнинг аёлини. Заиф одамнинг устида қўшимча юк бўлишади...

Дроган жим бўлиб қолди, Хелстон эса бу манзарани тасаввур қилди. Керолайн Бродмур хонасида ухлапти, унинг касал ўпкасидан хириллаб нафас чиқяпти. Ок-кора тумшукли мушук унинг устига сакраб чиқади ва кариянинг ажин босган юзига чўгдек кўзларини тикади. Сўнгра у кампирнинг коксуяк кўкрагига ётиб олади... Нафас аста-секин тўхтади... Мушук эса кампирнинг жони узилишини кузатиб туради.

У анча-мунча нарсадан таъсирланмасди, аммо хаёлидаги манзарадан эти жимирлаб кетди.

- Дроган, - Хелстон мушукни силашда давом этди. - Лекин айтинг-чи, нима учун ветеринарга олиб бориб, ўша ерда ўлдиртирмадингиз? Амаким ўтган йили итидан шунақа қилиб қутулганди ва бу унга йигирма долларга тушган.

- Қўмиш маросими биринчи июл куни бўлиб ўтди, - Дроган Хелстонни эшитмаётгандек эди. - Керолайнни опамнинг ёнига қўмдик. Учинчи июл куни Гейжни шу хонага чақирдим ва унга мушук солинган халтани бериб Милфорддаги ветеринарга олиб боришини буюрдим. У «Хўп бўлади, сер», деди ва халтани олиб чиқиб кетди. Уни шундан сўнг тирик қўрмадим. «Линколн» соатига олтиш мил тезликда қўприкнинг бетон тўсигига урилган. Дик Гейж тил тортмай жон берган.

Унинг юзида саноксиз шилинган жарохатлар бўлган.

Хелстон жим бўлиб қолди. Унинг хаёлида навбатдаги дахшатли манзара пайдо бўлди.

Дик Гейж «Линколн»да Милфорд томон бурилишга яқинлашяпти. Унинг ёнидаги ўриндикда халта турибди. Дикнинг эътибори йўлга қаратилган, эҳтимол у юк машинасини қувиб ўтаётгани учун эски халтани йиртиб чиққан ок-кора тумшукли мушукни сезмай қолгандир. У юк машинасини қувиб ўтаётган пайтда мушук унинг юзига ташланади ва ўткир тирноқлари билан чанг солади. Ёвуз панжалар унинг кўзини ўйиб олиш учун чўзилади. «Линколн» ўнг томонга оғади, юк машинаси ҳайдовчиси жон ҳолатда сигнал чалади, аммо Дик ҳеч нарсани эшитмайди. Улкан ўргимчак мисол бу

махлук Дикнинг юзига бутун танаси билан ёпишиб олган. Унинг яшил кўзлари худди дўзах чирокларидек ёнади, огзидан кўпик сачрайди, кучли орка оёқлари кариянинг бўйнига тирнокларини ботиради. Гейж кўприк четига урилаётганини кўриш тугул англаб ҳам етмайди. Мушук машинадан сакрайди, «Линколн» эса ўқдек келиб бетон тўсикка урилади. Гейж машина рулига урилади ва кўкраги мажакланади...

Хелстон галати товуш чиқариб ютинди.

- Мушук кайтиб келдимиз? - мингирлади у. Дроган бош иргади.

- Бир хафтадан кейин. Аникроги, Дик Гейжни кўмишган кун.

- У автохалокатда ҳам тирик қолибдимиз? Соатига олти миш мил тезликда-я? Бунга ишониш кийин.

- Айтишларича, уларнинг тўқкизта жони бўларкан. Ошандан сўнг мен унинг иблис мушук эканлигини ўйлаб қолдим. У мени...

- Жазоламоқчимиз?

- Билмадим. Лекин шундан кўрқяпман. Мен уни бокаман, тўғрироғи - ўйни йиғиштирадиган аёл. Бу мушукни ўша аёл ҳам ёқтирмайди. Унинг айтишича, бундай тумшукли мушук қарғиш экан. Тангрининг қарғиши. Уни ўлдиришингизни истайман, - деди қария. - У билан яшаётганимга тўрт ой бўлди. У тунлари хонамга қиради. У мени қузатади. Чамаси, у... Кутяпти. Охир-оқибат мен Сол Лоджиа билан гаплашдим ва у сизни тавсия қилди. Сизни у...

- Ёлғиз иш қилади, дедимиз? Яъни, шеригим йўқ.

- Ха. У яна шундай деди: «Хелстон ҳеч қачон қўлга тушмаган. Хаттоки ундан биров шубҳа ҳам қилмаган. У доим ерга оёғи билан тушади... Худди мушукка ўхшаб».

Хелстон қарияга қаради. Қутилмаганда унинг бармоқлари мушукнинг белини сикди.

- Йўқ! - қичқирди Дроган. У хансираб нафас оларди. Унинг рангпар ёноқлари қизариб кетди. - Йўқ... Бу ердас.

Хелстон маъносиз жилмайди. У мушукни охирага силаб бошлади.

- Яхши, - деди у, - қелишдик. Унинг жасади керакми?

- Худо ҳақки, йўқ! - қичқирди қария. - Уни ўлдириш! Қўмиб ташланг! - У бир оз жим турди.

- Менга унинг фақатгина думи керак, - деди у. - Уни ўтга ташлаб, қандай ёнишини томоша қилмоқчиман.

Хелстон ўзининг 1972 йилда ишлаб чиқарилган «Мустанг» автомобилида кетаётгани.

Дроганнинг уйдан у соат тўққиз яримларда чиққанди. Ноябрь октомбининг увода булутлари орасидан совуқ ой кўришиб турарди. Машинанинг барча ойналари очик эди. Совуқ худди пичоқдек Хелстоннинг баданига санчилар, аммо бу унга ҳуш ёқарди.

У Плейсерс-Глендан бурилди ва шаҳардан ташқарига чиқди. Хелстон тезликни соатига ўттиз беш милдан оширмасди. 35-шоссега етгачгина у «Мустанг»ига эрк берди. Энди машина соатига етмиш мил тезликда юриб борарди.

Мушук икки қаватли хўжалик халтасида ётар, халта қаноп ип билан маҳкам боғланганди.

Фалати топширик, ўйлади Хелстон ва буни топширик деб ҳисоблаётганидан ўзи ҳам ажабланди. Энг қароғиби, мушук унга жуда ёққанди. У уч нафар қарияни ўлдирибдимиз, демак унинг қуввати озмунча эмас экан... Айниқса, уни ветеринар билан «учрашув»га олиб кетаётган Гейж ҳақида гапирадиган бўлсак. Хелстон шартномани бажармаслик ниятида бўлмас-да, мушукни ўзига яқин сизди. У мушукни тезда ва мохирона ўлдиради.

Машинани дала четида тўхтатиб, мушукни халтадан чиқаради, унинг бўйнини синдиради, сўнгра қарияга кўрсатиш учун думини қесиш олади. Кейин эса, ўйлади у, мушукни қўмаман.

У мана шуларни ўйлаётган дакикаларда мушук кўккисдан унинг рўпарасида пайдо бўлди - унинг ок-кора тумшуги вахшиёна жийирилганди.

- Жин урсин! - деди Хелстон беихтиёр халтага караб - икки каватли халтада катта тешик пайдо бўлганди. У яна рўпарасига каради ва худди шу лахзада мушук унинг юзига чанг солди. У ўзини оркага ташлади... Ва «Мустанг» гилдиракларининг чийиллашини эшитди. Машина у ёқдан-бу ёқка чайқалди. Хелстон мушукни бор кучи билан урди, йирткич пихиллади, лекин жойидан жилмади. Хелстон уни яна урди, мушук эса кочиш ўрнига унинг юзига сапчиди.

«Гейждака бўлди, - ўйлади Хелстон. - Худди Гейждака». У тормозни босди. Мушук унинг бошида ўтирганича тирнокларини янада чуқуррок ботиришга уринди. Унинг корни Хелстоннинг кўзини тўсиб кўйганди. У мушукни урди, кейин яна, яна урди. Шу лахзада у кучли зарбадан калкиб тушди. У мушукка яна зарба беришга куч топди, лекин кўли мушукнинг бакуват мускулларига таъсир килмади. Унинг кўли сиргалиб пастга тушди. Шунинг баробарида унинг онги зулмат қаърига сингиб кетди.

Ой уфк ортига яширинаётганди. Тонг отишига бир соатча вақт колганди. «Мустанг»нинг олд кисми темир-терсак уюмига айланганди.

Хелстон аста-секин ўзига кела бошлади. У кўзини очиб биринчи кўрган нарсаси тиззасида ўтирган мушук бўлди. У хотиржам миёвлари ва яшил кўзларини Хелстонга қадади. Хелстон оёқларини хис килмади.

У машинанинг олд кисми пачокланганини, двигателнинг бир кисми унинг оёқларини мажаклаб ташлаганини, ўзини эса ўриндикка кисиб кўйганини кўрди. Каердадир бойкуш сайради.

Мушук унга тиржаяётгандек кўринди.

Хелстон унинг ўрнидан туриб керишганини кўрди. Кутилмаганда мушук Хелстоннинг елкасига сакради. У мушукни юлкиб олиш учун кўлини кўтарди. Лекин кўли харакатга келмади.

«Умурткам, - ўйлади у худди малакали шифокорлардек. - Умуртка суягим синибди. Мен фалажман».

Мушук унинг кулоёига мигвлари ва бу миёвлаш унга момакалдирокдек туюлди.

- Йўкол! - кичкирди Хелстон. Унинг овози курук чикди. Мушук бир лахзага сергак тортди. Бирдан унинг тирноклари Хелстоннинг ёнокларини тилди. Кучли огрикдан унинг томогига бир нарса тикилгандек бўлди. Иссик кон окди. Сезиш кобилияти йўколмабди.

У бошини ўнгга бурди. Унинг юзига юмшок юнг урилди. Хелстон мушукка бакирди. Мушук ўриндикка сакради. У нафрат тўла кўзларини Хелстондан узмасди.

- Бундай килмаслигим керак эдими? - хириллади Хелстон.

Мушук тишларини иржайтирди. Хелстон Дроган нима учун уни иблис мушук деб атаганини тушунди. У... Тирсаклари ва елкасида огрик туриб унинг фикри бўлинди. Сезиш кобилияти тикланяпти.

Мушук тирнокларини чикариб унинг юзига отилди.

Хелстон кўзларини юмди ва огзини очди. У мушукни корнидан тишламокчи эди, аммо бир парча юнгни тишлашга улгурди, холос. Тирноклар унинг кулоқларига санчилди. Чидаб бўлмас огрик турди. Хелстон кўлларини кўтаришга уринди. Кўллари сал кимирлади, аммо тиззасидан кўтарилмади.

У бошини олдинга эгди ва чўмилиб чиккан одамдек силкиди. Мушук махкам ёпишиб олганди. Хелстон ёнокларидан кон оқаётганини хис килди. Кулоқлари худди ўт ичида

колгандек кизиётганди.

У бошини оркага ташлади ва бакириб юборди - унинг бўйни энди огриб кетди. Лекин мушукни бошидан тушира олишга эришди.

Хелстоннинг бир кўзига оқаётган кон кирди. У кўзини ишкалалаш учун кўлини кўтаришга уринди. Унинг кўллари калтиради, аммо тиззасидан кўтарилмади. У кўлтиги остида 45-калибрли тўппончаси турганини эслади.

«Агар тўппончамни чиқара олсам, сенинг тўккизта жонингдан асар ҳам колмайди».

Кўлида яна огрик турди. Двигател мажаклаган оёқларида ҳам санчик турди.

«Балки захирада жоним колгандир?»

Энди мушукни бир ёкли килиш керак. Энг асосийси шу. Кейин мана бу темир-терсак ичидан чикиб олиш керак - балки бирортаси шу атрофдан ўтиб колар. Бу кимсасиз йўлдан биров ўтиши, айникса сахар соат бешда ўтиши амримахол, аммо жиндай бўлса-да имконият колган эди. Ва... Мушук нима кияптикин?

У мушукнинг яна юзига сапчишини истамасди, аммо унинг оркада, назардан четда туришини ҳам хохламасди. У пешойна оркали мушукни кўрмокчи бўлди, биров хеч нарса чикмади. Пешойна зарба таъсирида кийшайиб колган, унда йўл чети кўришиб турарди. Хелстон кута бошлади. Сизгилари кайта бошлади. Тонг отиб келаётганди. Каердадир куш сайради.

Хелстон кўлини кимирлатиб кўрди, аммо тиззасидан сал юкори кўтара олди, холос.

Ён ўриндикда кандайдир товуш эшитилди. Хелстон ёнига ўгирилди ва чўгдек ёнаётган кўзларни кўрди. Хелстоннинг у билан гаплашгиси келди. - Хали бирор марта топширикни уддаламаган куним бўлмаган, - деди у. - Бу мушукча биринчиси бўлиши мумкин эди.

Лекин тез орада кўлларим ўзига келади. Беш, бор ана, ўн дакикадан сўнг. Маслаҳат берайми? Ойнадан ўзингни ташла. Хамма ойналар очик. Тезда ўзингни ол.

Мушук ундан кўзини узмасди. Хелстон яна кўлини кимирлатиб кўрди. Кўли бир ярим сантиметрча кўтарилди. Мушук унга караб тишларини иржайтирди.

Мушук нима килмокчи эканлигини тушунган Хелстон бор кучи билан кичкириш учун огзини очди.

Мушук унинг юзига ўкдек отилди. Шу лахзада Хелстон ниҳоят, мушук ўлдириш истагида ёнаётган махлук эканлигини тушуниб етди.

У ола-була котилнинг нафрат тўла нигоҳини кўрди. У уч нафар карияни тинчитган, энди унинг, Жон Хелстоннинг навбати келганди.

Мушук тўгри унинг огзини нишонга олиб сапчиганди. Хелстон ўкчиб юборди. Унинг ок-кора тумшуги аллақачон Хелстоннинг огзи ичида эди.

Хелстоннинг танаси бир силкиниб тушди. Сўнг яна бир марта. Кафтлари мушт бўлиб тугилди, кейин аста бўшашди. Кўзлари эса шишадек котиб колди.

Унинг огзидан ок-кора думнинг учи чикиб турарди. Кейин эса дум гойиб бўлди.

Каердадир яна куш сайради... Тез орада Коннектикут далалари тонг нуридан ёришди. Фермернинг исми Уилл Росс эди.

У далада колган тракторини таъмирлаш учун кетаётганди. Тонг ёругида у йўл четида турган машинани кўрди.

- Э, Худо, ўзинг асра!

Рулда ўтирган кишининг юзи конга бўялганди. Котиб колган нигоҳлар узок-узокларга тикилиб турарди.

Уилл рулдаги кишининг хужжатларини кўриш максидида унинг плаши чўнтагини титкиламокчи бўлди. У эндигина кўлини чўзган ҳам эдики, мурданинг корин кисми

дўппайиб турганини кўрди.

- Бу нимаси? - деди Росс. У жасаднинг кўйлагини кўтарди ва кўрган нарсаси бир умрга ёдида колди.

Уилл Росс бўкириб юборди. Хелстоннинг корни ёрилган ва унинг ичида мушукнинг конга бўялган боши кўриниб турарди. Мушукнинг кўзлари Уиллга Ёзаб билан тикилганди.

Росс кичкирганича ўзини оркага ташлади. Бўм-бўш даладан ўнлаб каргалар чўчиб осмонга кўтарилишди. Мушук ташкарига чиқди ва керишди.

Сўнгра эса югуриб кетди. Росс уни кузатиб колди. Мушук шудринг босган ўтлар устидан чопиб борарди.

Гўёки унинг тугалланмаган яна кандайдир зарур иши бордек эди.

Русчадан Дилшодбек Аскарлов таржимаси.